

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА НУТК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жумашева Гулнара Хамидуллаевна, н.ф.д., доцент, НДПИ,
Хожалепесова Рысгул Абатбековна, 1 курс магистри, НДПИ,
Толыбаева Адолат Нургалиевна, 1 курс магистри НДПИ
Ozbekiston, Nukus

Annotatsiya. Maqola maktabgacha ta'limda nutq o'stirish mashg'ulotlarini ijodiy tashkil qilishning metodik jihatlarini tadqiq qilishga bag'ishlangan. Unda maktabgacha ta'limda nutq o'stirish mashg'ulotlarini tashkil qilishning nazariy-amaliy asoslari ochib berilgan. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalar nutqini o'stirish metodik muammo sifatida tavsiflangan.

Аннотация. Статья посвящена проблеме осуществление методической оснащенности в созданий творческой деятельности на занятиях по развитию речи в дошкольных образовательных организациях. Здесь раскрывается теоретико-практические основы на занятиях по развитию речи в дошкольном образовании. Разработаны проблемы методики развития речи детей в дошкольных образовательных организациях.

Tayanch so'zlar: maktabgacha ta'lim, nutq o'stirish, mashg'ulot, maktabgacha ta'lim tashqiloti, muammo, nutqini o'stirish metodikasi, bolalar, ijodiy.

Ключевые слова: дошкольное образование, развитие речи, дошкольное образовательное организация, проблема, методика развития речи, дети, творчество.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўқитиши тизимида болаларнинг мантиқий тафаккури ва нутқий фаолияти билан боғлиқ таълимий муаммолар шахс креативлигини ривожлантириш йуналишлари маҳсус ўрганилмоқда. Нутқ ўстириш методикаси соҳасидаги халқаро тажрибаларда ўқув материаллари мазмунининг нутқий кўнилмалар ривожидаги аҳамиятлилик даражаси ҳамда мулоқот маданияти такомилидаги самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нутқ ўстиришга қаратилган аниқ талаблар асосида болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш, маданий онгини юксалтиришга доир прагматик ва интегратив ёндашувлардан ижодий фойдаланилмоқда.

Дунёда кичик ёшдаги таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга доир ўқув-дидактик таъминотни глобаллашув даври педагогикаси талабларига мувофиқ ҳолда такомиллашгириш, нутқий кўнилмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган конструктив машқлар

тузиш, изоҳли луғатлар билан ишлаш, образли тафаккур ва сўз-мантиқ хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бадиий матн устида ишлаш орқали ижодий ва нутқий потенциалини намоён этиш, коммуникативлик ва нутқнинг эмоционаллиги ҳамда таъсирчанлигини таъминлашда концептуал ёндашувлар болаларнинг нутқ ва тафаккури интеграциясига мувофиқ тарзда белгиланмоқда.

Инсон ўзининг ҳаётидаги фаолиятида, шарт-шароитларида, турмуш тарзида нутқ маданияти билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам бир инсон ўзининг ҳатти-ҳаракатига, мулоқотига ва мақсадига ташқаридан туриб қарashi лозим. Албатта бунда эгаллаган билимлар нутқ фаолиятининг мақсадли бўлишига имконият яратади. Шу билан бирга билимлар инсоннинг ҳақиқатига бўлган муносабатини ривожлантиришга, турмушга, онгига, ҳаётига таъсир этади. Яъни билималар нутқ фаолиятининг, маданиятининг асосини ташкил этади.

Билимлар боланинг фаолиятида маънавий кўнирма ва малакаларни шакллантиради. Демак, нутқ маданиятини шакллантириш болаларнинг мактабда турли ижтимоий фанлар асосларини эгаллаши борасида пайдо бўлади. Натижада болада нутқ ҳақидаги билимлар ривожланади. Унинг онги ва билими турли соҳаларга кириб дунёни, коинотни забт этишга интилади. Билим орқали нутқ маданиятига эришади. Ҳаётда, тажрибада билимли билан билимсизнинг маданияти баробар эмаслигини кўп учратиш мумкин. Билим-болаларнинг ахлоқий нормаларига, алоқа ва муносабатларида намоён бўлади.

Шундай экан билимларни ўрганиш ва уни ўстириш бола нутқ маданиятини шакллантиришда ва тажрибасида муҳим аҳамиятга эга. чунки, нутқ маданиятини шакллантириш шахсда билимлар, тушунчалар, эътиқод, онгли интизом, тажриба фаолиятини яхлит, бир бутун ҳолатда намоён этади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш кўп жиҳатдан унинг билимига боғлиқdir.

Шундай экан, ҳар бир дарсда бола томонидан эгалланган билим, ахлоқий қарашлар нутқ маданиятини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Чунки, билим бойлик манбаи бўлиб, кишининг ақлини мустаҳкамлайди, иззатини оширади, камолга етказади, умрини боқий қиласди.

Билим инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат ҳисобланиб, киши зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қиласди. Ҳар бир шахсни, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Ёмон одамлардан, бузук ишлардан қайтаради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга, эътиқодларни оширишга хизмат қиласди. Билим кишиларни ҳар ерда азиз ва ҳурматли қиласди. Киши ҳаётидаги ишларни ҳақиқий тўғри йўлга солади. Шунинг учун ҳам ҳалқ орасиа билим орқали олий нутқ маданиятига эга бўлган улуғлика ва орзу-истакларга эришган буюк кишилар қадрланадилар.

Нутқ маданиятини шакллантиришда нутқ ҳис-туйғулари асосий ўринни эгаллайди. Нутқ ҳис-туйғулари, унинг таъсирчанлиги асосан ахлоқий билимлар ва эътиқодлар, бурс миллий ғуур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб инсон шахсида намоён бўлади.

Нутқ ҳис-туйғулари шахснинг маънавий фаолиятида, воқеа ва ҳодисаларида, ахлоқий жараёнида намоён бўлади. Нутқ ҳис-туйғулари кишилар хоҳиши-иродасини ахлоқий онг, ахлоқий билим асосида ифодалайди. Нутқ ҳис-туйғулари инсонларнинг ўз-ўзига, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Севги, ишонч, ҳис қилиш, қайгуриш, кўра олмаслик, ўз-ўзини севиш, ғуурлик, манманлик, ўзига бино қўйиш каби ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлган нутқ ҳис-туйғулари кундалик турмушимизда кўплаб учрайди. Демак, нутқ ҳис-туйғулари ўзининг келиб чиқиши ва аҳамияти билан ижтимоий характерга эга. улардан кўпчилиги ижобий ва салбий сифатлари билан ажralиб туради ва

ҳар бир инсоннинг қиёфасини намоён этади. Нутқ ҳис-туйғулари ўз мазмунига кўра ишонч, онг, билим билан чамбарчас боғлиқдир.

Нутқ ҳис-туйғулари жараёнида интилиш, яхши кўриш, бурч, масъулият, ор-номус каби ҳислар камол топади. Бундай воқеа-ходисалар кишиларнинг тажрибаларида, қатъий фаолиятларида қўплаб учрайди. Нутқ ҳис-туйғулари шахснинг одоб муаммоларини эркин ривожланишига, нутқ маданиятини шакллантиришга имконият яратади.

Шуни айтиш керакки, нутқ ҳис-туйғуларини шакллантириш ҳар бир кишининг шахс сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзини билиш ёки англашда, бошқаришда фақатгина унинг билими ёки одоби етарли эмас, ҳис-туйғулар киши фаолиятига нисбатан аниқ билимларни қўллашга суюнишини тақозо қиласди.

Нутқ ҳис-туйғулари инсонни билиш, тушуниш, тасаввур қилиш каби инсон фаолиятидаги турли-туман жараёнлар билан чамбарчас боғлик бўлиб, шахснинг фаоллигини, билимини оширади. Нутқ ҳис-туйғуларини тарбиялаш тарбиячилардан маҳсус иш олиб боришни, бола шахсига таъсир этишнинг ўзига хос усусларидан фойдаланишни, болаларнинг турмуш тарзи, хаёт ва нутқ одобини ташкил этишни талаб қиласди. Таълим жараёни, нутқ фаолияти, бола ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг асосий воситалари ҳисобланади. Болаларнинг нутқ ҳис-туйғуларини тарбиялашда соғлом муҳит, завқли вазиятни вужудга келтириш муҳимдир. Чунки ана шундай шароитда болаларда одамийлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, иттифоқ, хайриҳоҳлик каби фазилатлар камол топади. Инсон ҳаётида намоён бўладиган хатти-ҳаракатларни, нутқ маданиятини ўз хатти-ҳаракатларини, онги билан таққослади. Шуни айтиш керакки, нутқ ҳис-туйғулари кишининг хоҳиш ва иродасида, турмушида, жамоадаги вазиятда, тарбиячи талабларини амалга оширишда, боланинг ўз ўрни ва мавқеини англашида ифодаланиш билан бирга нутқ фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу ўринда тарбиячиларнинг болалар билан ўтказиладиган мулоқотлари муҳим

ахамиятга эга. чунки мулоқот давомида болалар нутқ маданияти масалалариға боғлиқ бир қанча ахборот оладилар. Болалар тарбиячилари билан мулоқотга киришар эканлар, ўз онгларида кишиларнинг нутқ ҳистайғуларини, хулқларидаги муайян намуналарни тасаввур қиласидилар. Ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилиб ўз хатти-харакатлари ва муносабатлари, ахлоқий норма вқа қоидаларини шакллантирадилар.

Нутқ маданиятини шакллантиришда кишининг хулқ-атвори муҳим ўринни эгаллайди. Хулқ-атвор нутқ маданиятининг муҳим қисми бўлиб, у тартиб-интизомда, ҳаёт нормаларини бажаришда, жамиятга, меҳнатга, одамларга нисбатан билдирадиган муносабатда намоён бўлади.

Кишининг қай даражада нутқ маданиятли эканлигини унинг хулқ-атворидан билиш мумкин. Бу унинг кийинишида, хатти-харакатида, диди, фаҳм-фаросатида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори// www.lex.uz
2. Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-МҲ сонли “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” // www.lex.uz
3. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. «Илк қадам». Мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури. Тузувчилар: И.В.Грашева, Л.Г.Евстафева, Д.Т.Маҳмудова, Ш.Б.Набиҳонова, С.В.Пак, Г.Э.Джанпеисова. – Т.: МТВ, 2018. – 69 бет.